ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 36-КУН

№5-6 (335-336)

2003 йил 5 февраль

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида

Улгуржи савдони ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш ва шу асосда ички истеъмол бозорининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан янада тўлиқроқ тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Улгуржи савдо корхоналари қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

2. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ички истеъмол бозорини янада тўлароқ тўлдириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг республика минтақавий бозорларига кириб боришига кўмаклашиш, улгуржи савдо корхоналарининг ҳудудлар бўйича бир текис жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

қарор қилади:

1. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг янгидан ташкил этилаётган ва моддий-техника базасига эга ҳамда устав фонди миқдори белгиланган тартибга мувофиқ бўлган, молиявий жиҳатдан барқарор мавжуд улгуржи савдо корхоналари негизида республикада ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг улгуржи савдо тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияларининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган улгуржи базаларининг тузилмаси маъқуллансин.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари 2003 йилнинг I чорагида улгуржи савдо корхоналарининг фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

3. Қуйидагилар улгуржи савдо корхоналарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳудудида улгуржи савдо корхонаси фаолият кўрсатаётган минтақанинг истеъмол бозори конъюнктурасини ўрганиш ҳамда саноат корхоналарига тегишли ассортиментда, сифатда ва ўраб-жойланган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

харид талаби хусусиятидан, минтақанинг муайян ассортиментдаги товарларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда истеъмол бозорини халқ истеъмол товарлари билан тўлдириш ҳамда аҳолини улар билан ҳудудлар бўйича бир текис таъминлаш дастурини шакллантириш;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ва турларни келишиб олиш, товарларни ўз омборларига ўз вақтида ташиб келтириш, чакана савдо тармоғи

корхоналарини товарлар билан бир маромда таъминлаш учун кенг ва барқарор ассортиментдаги товарларнинг зарур заҳираларини яратиш;

улгуржи савдога келадиган истеъмол товарлари сифати устидан чакана савдо тармоғига паст сифатли товарларнинг кириб келиши имкониятини бартараф этувчи назоратни ташкил этиш; мулкчилик шаклидан қатъи назар, чакана савдо корхоналарига, шунингдек қичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тузилган шартномалар ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли асосида истеъмол товарларини улгуржи сотишни амалга ошириш;

чакана савдо корхоналарига савдони ривожлантиришда кўмаклашиш, улар учун товарларни омборлардан танлаб олиш ва харид қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

улгуржи ярмаркаларнинг истеъмол товарларини кейинги йил учун сотиш ишларида қатнашиш ва тегишли минтақанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда товарлар харид қилиш, республика минтақаларида халқ истеъмол товарлари савдоси бўйича мавсумий ярмаркалар ташкил этиш юзасидан шартномалар тузиш.

4. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари улгуржи савдо корхоналарига истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар билан оқилона, узоқ муддатли хўжалик алоқалари ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказсинлар, улар асосида саноат корхоналарига аҳоли кўплаб талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқариш тўғрисида асосланган таклифлар берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари тизимларида ташкил этилаётган улгуржи базаларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун Комплексга кирувчи тармоқларнинг бўш маблағлари ҳисобига ресурслар қидириб топсин.

6. «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг «Қорақалпоқтутини» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компанияларидан улгуржи базалар акцияларининг уларга тегишли пакетларини белгиланган тартибда компанияга бериши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 249-сон қарорига 2-илованинг 4-банди 2003 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 февраль

Халқаро анжуман

МАҲАЛЛА ОБОД - ЮРТ ОБОД

Бугун «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг «Обод маҳалла йили»га бағишланган «ЭКОСАН маҳаллада» дастури доирасида «Маҳалла ободлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда» мавзусида халқаро конференция ўтказилади. Мазкур анжуманда маҳалланинг ижтимоий инфратизимларини ривожлантириш муаммолари, барқарор ривожланишга йўналтирилган ижтимоий-экологик лойиҳа ва дастурининг амалиёти ҳамда ушбу жараёнга хорижий сармоядарни жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, Йоханнесбургда бўлиб ўтган Жаҳон Саммити қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилади.

Конференцияда соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги раҳбарлари маърузалари тингланади. Шунингдек, тадбирда дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотларнинг, идора ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари маърузаси тингланади. Унда кўплаб маҳалла оқсоқоллари ҳам қатнашади.

Конференцияда «Энг обод маҳалла» деб номланган Республика кўрик-танлови эълон қилинади.

Газетамизда ушбу кўрик-танловнинг Низоми босилмоқда.

2

9 февраль - буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди куни

Бордур инсон зотида олча шараф,
Ким эмон ахлоқин этса бартараф,
Бўлмаса фирчавлиқнинг пайравн,
Ҳолмас ондин яхш сифотн мавлавн.

Алишер НАВОИЙ

МАҲАЛЛА, ҲАЁТИНГИЗДА УНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази бир неча йилдан бери айнан шу йўналишда ишлаб, маҳалланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрнини ўрганмоқда.

Қуйида «Маҳалангиз аҳолиси, оила аъзоларингиз ва шахсан Сизнинг олдингизда турган муаммолардан қайси бирини маҳалла орқали ечишга ёрдам бера олади?» деган саволга юртдошларимиздан олинган жавобларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Жавоб вариантлари	1998	1999	2000	2002
1. Тадбирлар ўтказишга (Тўйлар, азадорлик маъракалари ва маросимлар)	89,5	86,8	82,1	87,9
2. Қўшнилар орасидаги можароларни ечишга	85,9	79,9	85,1	83,2
3. Ёш авлодни аҳлоқий тарбиялашга	74,7	71,9	73,5	74,7
4. Оила ва оилавий можароларни ҳал этишга	74,7	69,3	79,9	66,4
5. Маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий билимини оширишга	62,1	67,4	64,3	63,2
6. Маҳалла аҳолисининг, айниқса ёшларнинг спорт билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлашга	51,2	49,5	56,7	52,3
7. Аёллар ўртасида репродуктив саломатлик бўйича маърифий ишлар олиб боришга	48,9	52,9	56,7	51,3
8. Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун огоҳликка чақириш бўйича ҳуқуқ тартибот органларига ёрдам кўрсатишга	43,7	46,8	44,9	46,9
9. Маҳалладаги аҳолини экология муаммоларини, шунингдек тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалаларни ечишга	37,2	*	40,7	42,7
10. Кам таъминланган оилаларга моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишга	38,5	49,3	48,4	38,5
11. Маҳалла аҳолисини ёқилғи (газ, кўмир, ўтин) билан таъминлаш каби масалаларни ечишга	36,1	41,9	36,2	38,4
12. Маҳаллада яшовчи касалманд фуқарога ёрдам кўрсатишга	*	*	32,5	35,5
13. Иш билан таъминлашга	22,2	29,6	16,8	23,1

Обод маҳалла йили тадбирлари

ОҚТЕПАДА УМУМИЙ ҲАШАР

Акмал Икромов туманидаги Оқтепа маҳалласи фаоллари ҳар доим ҳам ташаббус қанотида яшашади, десак хато бўлмайди. Бу маҳалла тадбирлари нафақат туманда, балки пойтахт маҳаллалари ўртасида ҳам намуна қилиб кўрсатгуликдир.

- Йилимизнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши биланоқ фаолларимиз деярли ҳар куни маҳалламизнинг обод бўлишига қаратилган янги бир ташаббус билан чиқишмоқда, - дейди бугунги ишлардан мамнун ҳолда мазкур маҳалла оқсоқоли Мақсуд ака Рихсиев.

Оқсоқолнинг кўп йиллик тажрибаси эса бундай ташаббусларнинг маҳаллада қанот ёзиб, амалга ошишида қўл келади.

- Маҳалланинг кўчаларини аҳолининг манфаатини ҳисобга олиб 7 бўлимига бўлганмиз, - дейди Мақсуд ака. - Бу бўлимлар учун кўпни кўрган, фаолиятда ва ҳаётда катта тажрибага эга бўлган фаоллардан бўлим бошлиғи сайлаганмиз. Улар ўз ҳудудидаги кўча бошилар ишини мувофиқлаштиради. Чунки 52 та кўча бор. Баъзи каттароқ кўчаларни эса иккига бўлиб кўча боши сайлаганмиз. Шу боисдан бўлим бошлиқлари ишимизда бир бўғин сифатида ўз самарасини бераяпти.

Келинг, энди унинг самараси уларок ўтган шанба куни ўтказилган ҳашарни кузатиб олган таассуротларимиз ҳақида сўзлайлик. Шу куни маҳалла ҳудуди олийгоҳ куллиёти, колледж талабалари, мактаб ўқувчилари, ташкилотлар ходимлари ҳам аҳоли вакиллари билан тўлди. Бинолар атрофи, кўчалар супуриб, тозаланди. Аҳоли эса деярли кун бўйи уйига кирмади ҳисоб. Оилалар ўз болалари билан ўз уй атрофида куймаланишди. Кечга яқин эса бу маҳалла ҳудудини айланиб, гўё бугун бу кўчалардаги ҳар бир хонадонда бир кўнгилли тадбир бор деб ўйлайсиз. Негаки, бутун маҳалла бўйлаб кўчалар, ҳовли-жойлар атрофи топ-тоза, супуриб тозаланган, дарахтларга ишлов берилган эди.

Шу куни маҳалладаги барча ташкилотлар бу ишга бош қўшишди. Ҳашар давомида одамлар ҳам, ҳатто зарур техника керагидан ҳам кўп бўлди.

Шунингдек, Чилонзор тумани Хайриобод маҳалласида шу куни бўлиб ўтган маҳалла ҳашари ҳам йилимизнинг ўзига хос тадбирларидан бири бўлди. Шу куни бундай ҳашарлар мамлакатимизнинг турли жойларда бўлиб ўтди.

Мухбиримиз

2 * «Энг обод маҳалла» кўрик - танловда аниқланади
* Посбонлар ҳушёр бўлса...

3 * Шикоят текширилди, мулоҳазага ўрин бор!
* Чақалоқ туғилдими... дарахт экинг.

4 * Чархланган фикрлар...
* Қадимги кўёш тақвими.

Газетамизнинг навбатдаги сони 19 февралда чикади.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Андижон

АНЬАНАГА АЙЛАНГАН ТАДБИР

Яқинда Хўжаобод туманидаги Етмиш мерган маҳалласи ҳудудида жойлашган 3-ўрта мактаб ҳовлиси ҳақиқий байрам тусини олди. Бу ерга тумандаги барча мактаблардан таклиф этилган полвонлардан ташқари мусобақада иштирок этиш учун қўшни Булоқбоши туманидан спортга ихлосманд ўқувчилар келишганди.

Чунки мазкур маҳалладан таниқли полвонлардан Н.Хонтўраев, А.Ўтанов, А.Бекболаев каби республика, У.Абдураҳмонов, М.Нуралиев, Д.Ювашев, Ж.Абдуллаев, Ш.Турдиев, М.Мамасаидов сингари вилоят чемпионлари етишиб чиққани уларнинг қизиқишини янада орттирган эди. Беллашувлар кўзда тутилганидан ҳам зиёда ва қизғин ўтди. Уч тоифа вазнда бел олишган ва ғолибликни қўлга киритган ўқувчи - полвонларни тақдирлаш ҳам эсда қоларли бўлди. Мусобақага Бобур номли ширкат хўжалиги, маҳалла фуқаролар йиғини, 13-мактаб жамоаси, мазкур маҳаллада яшовчи тадбиркорлардан М.Эргашев, М.Исаев, Ҳ.Ғойипов, уста А.Маметов, бригада бошлиғи Н.Қораҳўжаев, ҳосилот Э.Абдувоитов ва бошқалар ҳомийлик қилишди.

Неъмат ОРИПОВ,
шифокор.

«Ободнома» ёдномаси

ЯНГИ ШАҲАР РАИСИ ЭДИ...

Яроқ илдиздан қувват олади. Илдиз бу - ота-боболаримиз ибрати. Узоқ ўтмиш эмас, яқин кечмишимизда ҳам маҳалла ободончилигига, маънавият-маърифат масканига айланишига бор билими, тажрибасини аямай беминнат хизмат қилган, мустабид тузум, ягона даҳрийлик мафкураси тўсиқларини енгиб, шаъмдек ёниб маҳалладошлари қалбини ёритган оқсоқолларимизни, жонкуярларимизни эслаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Собиқ шўролар ҳукумати қарор топгач, тузум ўзгарди. Энди маҳаллаларни, яъни халқимизнинг ўзига хослигини эслатадиган бу ҳаёт тарзини ўзгартириш керак эди. Пастак сомонсувоқли уйжойларнинг томи мойли қора қоғозу, сопол тахта билан қопланиб, нураган, девори-ю кун тушмайдиган уйи олатароқ оқланадиган бўлиб қолди. Бу билан маҳалланинг қиёфасини ўзгартирган бўлишди. Эски шаҳарнинг тор, илон изи кўчалари, каталаклари ўзгартирилмай тураверди. Шунда маҳалла, соҳибкор ота-боболаримиз, қўли гул бинокор ҳамшаҳарларимиз, ташаббускор зиёли ёш оқсоқол-раисларимиз ўзлари астасекин турар-жойларини обод қилишга киришдилар. Ўшанда, эсимда Эски шаҳар ҳудудидаги Октябр район ижрокомининг ободончилик шайдоси бўлган раиси Садриддин Норқўзиевнинг тортинибгина, ифтихор билан айтган гаплари:

- Мушкулимизни маҳаллалар, унинг ҳимматли аҳли осон қиляпти. Унинг қалбига йўл топсанг, янгича яшашга, ишлашга қизиқтира олсанг, ишинг юришиб кетар экан, биринг ўн, ўнинг юз бўларкан!

Бу гапни, ўша вақтда Янги шаҳар маҳалласининг одамлари, раиси, оқсоқоллар орасида ягона фан номзоди Хурсанд Меликулов қандай қилиб қўллаб-қувватлаганини айтиб берай.

1960 - йиллар. Янги шаҳар маҳалласи Октябр районидаги 105 та маҳалланинг аҳолиси энг кам сонлиси, кўримсизи, қовушмагани эди.

Бошқа маҳаллалар ҳам ундан ортиқ эмасди. Ўзи оддий ишчидан чиққан район партия қўмитасининг биринчи котиби Толибжон Содиқов билан Садриддин Норқўзиев халқ билан бамаслаҳат, Октябр районида «олди-сотди»дан ширинкома оладиган, «маслаҳат ош»ининг, «сабзитўғрар»нинг пайида бўладиган, чойхонанинг тушумини «туя» қиладиган, «маълумотнома»га уйдами, кўчадами муҳрни пулга босадиган «эски» «домком»ларнинг баҳридан ўтадилар.

Шундай қилиб Янги шаҳар он йигит Хурсанд Меликулов раисликка сайланади.

1964 йилда ижроқўм раисининг мени ўша маҳаллага кўрсатгани олиб боргани ёдимда.

Бу вақтда маҳалланинг янги раиси ташаббуси билан ҳашар уюштирилиб гузар барпо этилган эди. Гузар деган бундоқ бўлибди. Оталар уйи, дўкон, медпункт, кутубхона, алоқа бўлими, чойхона. Ҳовлисининг ўртаси гулзор. Атиргуллар ғунчалаб турибди. Катта маросимлар ўтказиладиган клуб. Деворда «Янги шаҳар овози» деворий газетасининг «100-баҳор» деб аталган махсус сони. Беш табаррук онанинг юз йиллигини тўй-томоша қилиб ўтказган экан маҳалла. Кираверишда, тўғрида мўйқалам билан ишланган катта сурат: қайнона билан келин кўришиб турибди. Шу йил еттинчи март оқшомида «Қайнона - ўз онанг» кечасини ўтказган маҳалла ҳам Янги шаҳар маҳалласи эди. Клубда - уч марта никоҳ тўйи ўтказилган. Тўйхона муқаддас даргоҳга айланган. Бу хонанинг тўрида ёйиб қўйилган либослар маҳалла чеварларининг бичиш-тикиш курси маҳсулоти. Унинг гувоҳномасини олганлар бемалол тикувчилик қилар эканлар.

Биз маҳаллада раисни учрата олмадик. Ижроқўм раиси «Институтга дарс ўтгани кетган экан» деди. «Домком»имиз бармоқ босадиган хилидан эмас, олим одам!» дейишди фахрланиб маҳалла одамлари. Афсуски, давр маҳалланинг бу даражадаги фаолиятига ҳар доим ҳам йўл беравермас эди.

Миллий қадриятлар топталган бир пайтларда маҳаллани ободонлаштириш, озода тутиш, инсонларни қадрлаш йўлини топган оқсоқолларимиз ибрати бугунги дориломон кунларда ҳаммамиз учун ўчмас маёқдир.

Ҳа, яхши одамдан от қолади.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Навоий вилояти

ИШСИЗЛАР СОНИ КАМАЙДИ

Хатирчи тумани меҳнат бўлими ходимлари маҳаллалар билан ҳамкорликда бир талай ишларни амалга оширдилар. Бўлим раҳбари Қўлдош Болиев анча ҳаракатчан ва изланувчан. У ишга келган пайтлариданоқ ходимларни бир-ма-бир шаҳодат синови (аттестация) дан ўтишини лозим деб топди.

Кейинчалик қобилиятига қараб уларнинг иш жойларини алмаштирди. Иш олиб бориш қийин бўлган ҳудудларга тажрибалироқ ходимларни жўнатди. Туман ҳудудида 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини улар таркибида эса 65 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Жойларда тўланадиган нафақалар ҳужжатларининг расмийлаштирилиши, тайинланиши ва тўланиши бўйича меҳнат бўлими инспекторлари ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Ўтган йил давомида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича силжишлар бўлди. Иш сўраб мурожаат этган фуқароларнинг 65 фоизи ёки 1664 нафари доимий иш билан таъминланди. Бу кўрсатгич 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 12,1 фоиз кўп демакдир.

Мурожаат этганларнинг 1333 нафарига ишсизлик мақоми берилди. 128 нафари қайта касбга йўналтирилиб, 776 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган бўлса, 1143 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. 700га яқин фуқаро ишга жойлаштирилди. Ижтимоий таъминот бўлими билан шартнома тузиб бир қанча ишсиз фуқаролар ёлғиз пенсионерларга хизмат кўрсатиш учун жамоат ишларига жалб этилди. «Корхона - Маҳалла» иқтисодий минтақалар доирасида касаначилик меҳнати ташкил қилинди ва бир қанча ёш болали аёллар иш билан таъминланди. Йил давомида мониторинглар ўтказилиб, ишсизлар аниқланди, уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бир неча марта меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Халқ усталари билан шартномалар тузилди ва ишсиз фуқаролар қайта ўқишга юборилди. Маҳалла билан ҳамкорликни йўлга қўйиб фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишсиз фуқароларни буткул иш билан таъминлашга эришамиз,- дейди, туман меҳнат бўлими бошлиғи Ҳ.Болиев.

Ҳа, янги иш ўринлари ажратилмоқда, ишсизлик борасидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатлик билан ёндошилмоқда. Бу эса, албатта ўз самарасини беради.

Ҳ.ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

ПОСБОНЛАР - ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИМИЗ

Республикамиз Президенти И.Каримов ислоҳотлардан асосий мақсад маҳаллаларда профилактика инспекторлари сонини кўпайтириш, маҳалла аҳли билан ишлаш, маҳаллага таянниш, халқ ичига чуқурроқ кириб боришдан иборат эканлигини таъкидлаб, «Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида ва чекка аҳоли пунктларида ҳам профилактика инспекторлари бўлсин, шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғамташвишлари билан яшасин, токи халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилиб, бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспектори етиб келди, деб гапирадиган бўлишсин», - деган эдилар. Шу боисдан ҳам биз Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзолари ва сардорлари орқали ўз фаолиятимизни маҳаллалар фаолияти билан жипслашган ва уйғунлаштирилган ҳолда юритишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Масалан, йил бошидан буён маҳалла посбонлари ёрдамида 150 дан зиёд жиноят очилган бўлса, уларнинг ёрдамида 3 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлар ички ишлар идораларига олиб келинди. Ундан ташқари посбонлардан ҳар хил жиноятлар тўғрисида 155 та, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида 20 мингдан зиёд хабарлар олинган. Булар асосан ноқонуний равишда маҳаллада истиқомат қилаётган шахслар, номаълум сабабларга кўра узоқ муддат яшаш жойига келмаётган, ўз хонадонини ишратхонага айлантириб олган ёки қўшмачилик билан шуғулланаётган шахслар ҳамда содир этилиши мўлжалланаётган ёки тайёргарлик кўрилаётган жиноятлар тўғрисида бўлиб, ҳар бир олинган хабар ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Посбонлар иштирокида нафақат жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида, балки ободончилик, коммунал тўловларни ундириш, паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш каби бошқа бир қатор тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Айниқса, улар ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, энг муҳими эса, кечалари маҳаллада пайдо бўлган нотаниш машина ва бегона кишиларни аниқлашда жонбозлик кўрсатаётирлар. Бу эса ўз ўрнида жиноятчиликнинг олди олинишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, яқинда Янгиобод шаҳар 12-мавзеда яшовчи фуқаро Шаҳринисо Ўрдабоеванинг хонадонидан катта миқдордаги уй-рўзғор буюмлари ўғирлаб кетилгани ҳақида хабар тушганидан сўнг ходимларимиз тезкор қидирув тадбирларини олиб боришди. Шунда улар Улуғбек номли маҳалла посбонлари сардори Дилшод Суюнов ташаббуси билан ўғирликда гумон қилинаётган А.Ситинков топиб келиниб, жиноятнинг очилишига катта ҳисса қўшишди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг аъзолари ва сардорлари ички ишлар идораларининг, аниқроқ айтганда, профилактика инспекторларимизнинг энг яқин ҳамкори, кўмакдошига айлангани айни муддао бўлди.

О.АРСЛОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция подполковниги.

Диққат: кўрик - танлов

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси
Республика «Маҳалла» жамғармаси
Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
«Ўзтелерадио» компанияси

«ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА» Республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

Кўрик-танлов мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳаллаларда, шу жумладан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг санитар-экологик маданиятини ошириш, барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон Саммитида кўтарилган ғояларни амалга ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳлини кенгроқ жалб қилиш ва улар орасида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, умуман мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида маҳалланинг ўрнини янада кўтариш, тўй-маъракаларни тартибга келтириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ёшларни миллий қадриятларни эъзозловчи, маънавий бой, юксак маданиятли, эл-юртига фидойи инсон қилиб тарбиялашда маҳалланинг фаоллигини ошириш

Кўрик-танлов босқичлари

1-босқич 12 мартагача бўлган даврни ўз ичига олиб, ариқзовурларни тозалаш, кўчат экиш ва бошқа баҳорги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, ғолиблар Наврўз арафасида аниқланади ва ғолибларга мукофотлар Наврўз байрами тантаналарида топширилади.

2-босқич 22 майгача бўлган даврни ўз ичига олиб, очиқ сув ҳавзалари, суғориш иншоотлари ва канализация тармоқларини тозалаш, маҳалланинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш каби ишлар амалга оширилиб, ғолиблар Бутунжаҳон атроф-муҳит куни арафасида аниқланади ва ғолибларга мукофотлар «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг 5 июн куни бўлиб ўтадиган тадбирида топширилади.

3-босқич 22 августгача бўлган даврни ўз ичига олиб, турли юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлувчи зах ертўлалар ҳамда оқава сувлари учун кавланган чуқурларни қуритиб дезинфекциялаш, аҳоли орасида профилактика ишларини олиб бориш каби ишлар амалга оширилиб, ғолиблар Мустақиллик байрами арафасида аниқланади ва ғолибларга мукофотлар Мустақиллик байрами тантаналарида топширилади.

Кўрик-танловни ўтказиш тартиби

1. «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови 2003 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча маҳаллалар ўртасида ўтказилади.

2. Кўрик-танлов «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси вакилларидан иборат Ташкилий қўмита томонидан ташкил қилинади.

3. Кўрик-танловда қатнашиш учун маҳалла кенгашлари маҳаллада олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотномани туман (шаҳар) Комиссиясига тақдим этадилар.

4. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ғолиби аниқланиб, улар ҳақидаги маълумотлар туман (шаҳар) ташкилий қўмиталари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий қўмиталарига тақдим қилинади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилий қўмиталари ғолиб деб топган маҳалла ҳақидаги маълумотлар Республика ташкилий қўмитасига юборилади.

Ғолибларни аниқлаш шартлари:

1. Маҳалла ҳақида умумий маълумотлар (маҳалла паспорти)

2. Маҳалланинг тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги:

- ичимлик суви тармоғининг мавжудлиги, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси, нечта хонадон ичимлик суви билан таъминланган, ичимлик сувининг сифати - тоза сув талабига жавоб бериши;
- ичимлик сувидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар, маҳалла хонадонлари сув ўлчагичлар билан жиҳозланганлиги, ўрнатилган сув ўлчагичларнинг умумий сони, 2003 йилда ўрнатилган сув ўлчагичлар миқдори.

3. Маҳалланинг табиий газ билан таъминланганлиги:

- маҳалланинг табиий газ билан жиҳозланганлиги, газ ўлчагич ўрнатилган хонадонлар сони, маҳаллада нечта хонадон табиий газ билан таъминланган, газ тармоқларининг умумий узунлиги, газнинг киши бошига сарфланиш миқдори;
- табиий газдан фойдаланиш ва тежаш бўйича амалга оширилган ишлар, 2003 йили нечта хонадонга газ ўлчагич ўрнатилди;
- коммунал хизматлари учун тўловларнинг ташкил этилиши ва ўз вақтида бажарилиши.

4. Маҳаллаларда электр энергиясидан фойдаланиш маданияти:

- маҳалланинг ёритиш тармоғи билан таъминланганлиги, нечта кўча ёритилган;
- электр энергиясидан оқилона фойдаланиш йўлида маҳаллада олиб борилаётган амалий ишлар.

5. Маҳаллада ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги:

- маҳалла ҳудудидаги аҳолига тегишли бўлмаган ерларнинг мавжудлиги ва ундан оқилона фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги;
- маҳалла аҳлининг томорқа ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш даражаси.

6. Маҳаллада канализация тармоғининг мавжудлиги:

- оқава сувларни қабул қилиш канализация тармоғи мавжудлиги, унинг умумий узунлиги, нечта кўча ва хонадон канализация хизматидан фойдаланади.

7. Маҳалланинг санитания ҳолати:

- маҳаллада маиший чиқиндилар учун махсус майдончаларнинг мавжудлиги (жумладан, контейнерлар билан жиҳозланганлиги), майдончалар ва контейнерларнинг сони;
- чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш бўйича махсус санитария тозалаш автокорхоналари билан шартномаларнинг мавжудлиги, унинг ишлаш тартиби;
- маҳалла ҳудудида белгиланмаган жойларда маиший чиқиндиларнинг тўпланиш ҳоллари ва уларнинг ёқилиши;
- чиқинди сувлари ва чиқиндиларни очиқ сув ҳавзаларига ташланишининг олдини олиш борасида қилинган ишлар;
- маҳаллаларда маиший чиқиндиларни утиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар (чиқиндиларни саралаш ва иккиламчи хомашёни топшириш, маҳалла ҳудудида компост чуқурларини барпо этиш ва ҳоказолар);
- маҳалла аҳлини кенг жалб қилган ҳолда экология ойликлари, ҳашарлар ташкил қилиш;
- маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар билан атроф-муҳит ва табиат ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар;
- маҳалланинг санитария аҳволи тўғрисида санитария-эпидемиология ходимларининг йил давомида кузатув натижалари бўйича хулосаларининг мавжудлиги.

8. Маҳалланинг тиббий хизмат билан таъминланганлиги:

- маҳалла аҳлини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари;
- кам таъминланган оилаларнинг зарурий дори-дармонлар билан таъминланиши;
- ёш болаларни эмлаш ишларининг ўз вақтида олиб борилиши;
- атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига салбий таъсири бўйича ахборот-тарғибот ишларининг олиб борилиши;
- маҳалла аҳли орасида ёввойи ва уй ҳайвонларини боқиш маданияти, бу борадаги қонун-қоидаларни тарғиб қилиш, қутуриш касаллиги тўғрисида ахборот бериш ва унинг олдини олиш.

9. Маҳаллада спорт ишларининг йўлга қўйилганлиги:

- спорт майдончаларининг мавжудлиги;
- ўсмир ёшлар орасида турли спорт мусобақаларининг ўтказилиши.

10. Маҳалланинг кўкаламзорлаштирилганлиги ва ободонлаштирилганлиги:

- маҳаллада кўкаламзорлаштирилган майдон, мавжуд дарахтлар (мевали ва манзарали дарахтлар, кўп йиллик гуллар) сони, 2003 йилда экилган кўчатлар миқдори;
- маҳалланинг суғориш тармоқлари билан таъминланганлиги, суғориш тармоғидан фойдаланиш бўйича бажарилган ишлар (тозалаш, жорий таъмирлаш, мукаммал таъмирлаш);
- маҳаллада мавжуд кўчалар сони, йил давомида кўчаларни яхшилаш бўйича бажарилган ишлар.

11. Кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари жойлардаги ташкилий қўмиталар томонидан аниқланиб, ғолиб маҳалла ҳақидаги маълумотномалар ўтказилган тадбирларга оид фото ва видеолавҳалар илова қилинган ҳолда кўрик-танловни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасига (700000, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 1-уй, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси) юборилиши лозим.

Кўрик-танлов ғолибларини аниқлаш тартиби ва муддатлари

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «ЭКОСАН» ва «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг жойлардаги бўлимлари ва вилоят телерадиокомпаниялари вакилларидан иборат Ташкилий қўмиталар томонидан маҳаллалар ўртасида ўтказилиб, 1-босқич ғолиби ҳақидаги маълумотлар 25 майгача, 3-босқич ғолиби ҳақидаги маълумотлар 20 августгача Республика ташкилий қўмитасига юборилиши лозим. Бунда туман ва шаҳарларда мазкур Ташкилий қўмиталар томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилади ва улар кўрик-танловда қатнашувчи маҳаллаларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатадилар. Кўрик-танловнинг барча босқичларида биринчи ўринни эгаллаган маҳалла 2003 йил ғолиби деб топилади.

Кўрик-танлов ғолибларини рағбатлантириш

« Энг обод маҳалла» Республика кўрик-танловининг ҳар учала босқичи ғолиблари «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси томонидан тайёрланган махсус мукофотлар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлат элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг совғалари билан тақдирланадилар.

Алишер Навоий номидаги зиё масканида

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ундаги нодир китоблар сақланаётган бўлим бой маънавият хазиналаридан бири ҳисобланади. Бўлим ташкил этилганига ярим асрдан ошди, шу йиллар давомида қанчадан-қанча китобхонлар юртимиз тарихи, бой маданий меросига доир жуда кўп манбалардан баҳраманд бўлдилар.

Бўлим фондида 15 минг ноёб китоб бўлиб, улар XV асрдан XX асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Шунингдек, бу фондда 100 дан ортиқ турли даврларда (XVII-XX асрлар) ёзилган қадимги Шарқ қўлёзма асарлари, фотоальбомлар, тарихий хариталар авайлаб сақланмоқда. Улар ўлкамиз тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Бу бўлимда сақланаётган кўплаб тадқиқотчилару олимлар эътиборини ўзига тортадиган халқаро тарихий аҳамиятга молик бўлган 594 жилддан иборат «Туркистон тўплами» алоҳида ўрин тутади.

Бу ноёб мажмуада рус, инглиз, француз, испан, немис, италян ва араб тилларида чиқарилган газета-журналлардан олинган илмий мақолалар ҳамда қизиқарли маълумотномалар жамланган. Тўпламга кирган ўн мингдан ортиқ мақола ва асарлар Ўрта Осиёнинг чоризм томонидан истило қилиниши, ўлканинг ижтимоий-маданий ҳаёти, иқтисодий аҳволи тўғрисида ҳикоя қилади.

Булардан ташқари, тўпламда маҳаллий халқлар маданияти, урф-одатлари, миллий муносабатлар, жумладан савдо алоқалари, элшунослик лавҳалари, чет эл сайёҳларининг эсдаликлари, қимматли географик маълумотлар, қадимшунослик қазилмалари натижалари ва бошқа тарихий асарлар мавжуд. Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Осиё мамлакатларига оид турли тарихий маълумотлар борлиги мажмуанинг халқаро илмий аҳамиятини янада оширади. Шу боисдан ҳам мазкур ноёб тўпламдан фойдаланиш учун барча МДҲ мамлакатлари ва хорижий давлатлардан илмий тадқиқотчилар, олимлар тез-тез келиб турадилар. 1871-1872 йилларда олинган фотосуратлар ва рангли расмлардан тузилган, ўта эҳтиёткорлик билан сақланиб келаётган ноёб бир альбом эса юртимиздаги тарихий жойлар ва тарихий меъморий обидаларни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Табиий офатлар вақтида ҳамда чоризм босқини даврида вайрон қилинган ва ном-нишонсиз йўқотилган тарихий обидаларнинг айрим рангли расмларини шу альбомдан топиш мумкин. 1262 та фотосурат ва бўялган расмлардан иборат, элшунослик, қадимшунослик, ҳунармандчилик ва тарих бўлимларини ўз ичига олган бу мажмуа XIX асрнинг иккинчи ярмида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий маросимлари тарихи билан таништиради.

Кутубхона хазинасида тарихий-меъморий обидаларнинг 1900 йил халқаро Париж кўргазмасида, 1890-1909 йилларда Туркистон ўлка кўргазмаларида намойиш этилган ва юксак баҳоланган рангли фотосуратлари ҳам сақланмоқда.

«Нодир китоблар» бўлимини узоқ йиллардан буён тарихимиз билимдони, хазинабон, қолаверса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳимжон Файзуллаев бошқариб келмоқда. У бўлимда сақланаётган китоблар, қўлёзма асарлар, тарихий фотосуратлар, хариталарни эҳтиёткорлик билан асраш, бўлим фондини янги китоблар ҳисобига тўлдириш билан бирга, 1870-1925 йилларда нашр этилган газеталарда эълон қилинган мақолаларнинг картотекасини тузиб чиқди. У киши илмий изланишлар олиб бориб, юртимизнинг ўтмиши, бой маданий мероси, озодлик учун курашган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир 70 дан ортиқ илмий-публицистик мақолаларини матбуотда эълон қилди.

- Бўлимимизга илмий тадқиқот олиб бориш учун келувчиларнинг кўпчилиги «Туркистон тўплами», «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» газетаси ҳамда қўлёзма асарларга мурожаат қиладилар. Шу боисдан бу каби ноёб манбаларни келажак авлодларга қолдириш мақсадида уларни компьютерлар хотирасига жойламоқдамиз. Зеро, бу асарлар бизнинг авлодларимизга сув ва ҳаводек асқотиши тайин - дейди Раҳимжон Файзуллаев.

Дарҳақиқат, аждодлар меросини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. «Тарихни билиш - ўзликни англаш» деганларидек бу каби ноёб маънавий хазиналарни келажак авлодга етказиш уларнинг ватан тарихини ёрқин саҳифаларини ўқий билиши ва уни ҳис қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Андижон вилояти

«Обод маҳалла йили»да Жаҳонобод маҳалла фуқаролар йиғини катта савобли ишга қўл урди. Йиғин раиси Аҳмадилло Неъматовнинг ташаббуси билан ота-онасиз Қодиржон Эгамов ҳамда кам таъминланган оила аъзолари ака-ука Ойбек ва Даминжон Мамадалиевларнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

ҲАР ИШНИНГ БОШИДА ОҚСОҚОЛ

Саховатпеша тадбиркорлардан Акмалжон, Эргашбой, Йўлдошбой Жўраевлар, Нўъмонжон Даминов, Илҳом ҳожи Расулов, Иброҳим ҳожи Ёқубовлар тўй харажатларини кўтариб, кексалар дуосини олдилар. Храбек қишлоғилик механизатор Эргашбойнинг қизлари опа-сингил Моҳидилхон ва Муҳайёхонлар Ойбек, Даминжонлар хонадонига келин бўлиб тушдилар. Худди шу куни кам таъминланган Улуғбек Мамадалиев 2 нафар ўғлининг ҳам суннат тўйлари ўтказилди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда ибратомуз ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, куни кеча янги хўжалик моллари дўкони жуда қисқа фурсатда қуриб битказилди. Машиналарга техника хизмати кўрсатиш устахонаси, «Оталар чойхонаси» қошидаги новвойхона, 2 та сартарошхона, 10 дан ортиқ тижорат дўконлари Жаҳонобод маҳалла гузари кўркига кўрк қўшиб, аҳолига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Ободонлаштириш - биринчи галдаги вазифа, «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» кўрик-танловларининг бош ижрочиси ҳам маҳалла бўлганлиги сир эмас, албатта. Бизнинг Хартум қишлоғимизда 9 та маҳалла бор. Уларнинг барчаси Обод маҳалла йили муносабати билан янги гузарлар ташкил этиш, кам таъминланган оилалар муҳофазасини янада кучайтириш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ўйингоҳлар қуриш, замон талабларига мос тўй-маросимлар ўтказиш юзасидан белгиланган режаларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилаётирлар.

Ж.ТУРДИЕВ,
уруш, меҳнат фахрийси.

ҲУЗУРИ ОЛАМ

ХОЗИРЧА ОВҚАТНИНГ ТУЗИНИ ТОТАДИ, КЕЙИНЧАЛИК ТАЪМИНИ СЕЗСА АЖАБ ЭМАС

Америкадаги «Сунбим» ширкатида ишлаб чиқарилган «Сант маниторр» кичик қурилмаси айни мусулмонлар учун мўлжалланган. Негаки, мусулмонлар рўза тутади. Ўша пайт овқатнинг тузини мана шу қурилма тотиб кўриши мумкин.

Ручкасифат бу асбобнинг ёнида тўртта чироғи бор. Электрон қўл соатлари батареясида ишлайдиган мазкур асбобнинг учи овқатга сал ботирилса бас, шунда чироқларнинг бири ёнади. Ёнган чироқнинг рангига қараб эса овқатнинг туз миқдорини аниқлаш мумкин. Бу асбоб ҳозирча, фақат овқатнинг тузини тотади, холос. Кейинчалик у анча такомиллаштирилиб, ҳатто овқат мазасини ҳам сезадиган қилинса ажаб эмас.

ХИЁНАТКОРЛАР УЧУН ҚАФАС

Словакиянинг шарқида жойлашган Левач шаҳри марказида «уялтириш қафаси» мавжуд бўлиб, у темир панжарадан ясалган. Қафаста ХУ асрда асос солинган. Ўша пайтларда харидор ҳақига хиёнат қилган савдогарлар шу қафасга қамаб қўйилган ва бир неча кун «уялтирилган».

Шуниси қувонарлики, яхшиям бу қафас эндиликда ишлатилмаяпти ёки биз томонларда яхшиямки йўқ. Агар бўлса борми ҳудо кўрсатмасин бутун кўчаларимизда дарахт ва симёғочлар ўрнини шундай қафаслар босиб кетган бўлармиди?

ЧАҚАЛОҚ УЧУН БИР ТУП ДАРАХТ

Италия парламенти дунёда биринчи бўлиб, ажойиб қонун қабул қилди. Эндиликда оилада фарзанд туғилиши билан ёки чақалоқ туғилган йилнинг 12 ойи давомида бир туп дарахт ўтказилиши шарт ва бу албатта, маъмурият рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу ишни янги қонун талаб этади ва экилган ҳар бир туп дарахт шу қонун бўйича муҳофаза қилинади, яъни дарахт ўса бошлагач, кесиш у ёқда турсин, ҳатто бошқа жойга кўчириш ҳам таъқиқланади. Рўйхатдан ўтган кўчатлар ўрмон хўжалиги ихтиёрида бўлади.

АЖОЙИБ ДЎКОН

Одессада гаройиб дўкон очилган эди. Унинг гаройиблиги шундаки, мижоз дўкондан харид қилган буюм суммасининг 75 фоизини бир йил давомида қайтариб олиши мумкин қилиб белгиланган, яъни масалан, харидор бир миллион карбованцга телевизор сотиб олса, мижозга бир йилда 750 минг сўми қайтариб берилган, тўғриси, ҳар ойда бир миллион сўмнинг 6 фоизи қайтарилган. Агар харидорга бу вариант ёқмаса, у пулнинг маълум қисмини дарҳол олиши ҳам мумкин эди, фақат бунда умумий сумманинг атиги 11 фоизи қайтариларди холос.

ШИКОЯТИНГИЗ ХОЛИСМИ?

Мурожаат ва мунасабат

Ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқини ёки жамоатчилик нуқтаи назарини ҳимоя қилиб мутасадди ташкилот ёки раҳбар номига шикоят аризаси билан мурожаат этишга ҳақли. Бугунги кунда фуқароларимиз ўзларининг шундай ҳуқуқлари борлигини яхши биладилар. Охирги икки-уч ой ичида таҳририятга шикоят билан мурожаатлар жуда кўп бўлди. Бу ҳолат аслида бизни қувонтиради. Демак, маҳалладошларимиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни ўрганмоқдалар, қолаверса, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслар.

Лекин масаланинг иккинчи бир жиҳати ҳам бор. Яъни, шикоят ёзишдан кўзланган мақсад нима? Шикоят кўпчилик манфаатини кўзлаб ёки шикоят йўлловчига нисбатан бўлган ноҳақликдан келиб чиқиб ёзилмоқдами, ёки айрим шахсларнинг ўзаро келишмовчилиги маҳсулими? Афсуски, шахсий манфаатлар келишмай қолиши оқибатида ёзилган аризалар анчагина. Бизнингча, шикоят ёзаётган киши ўз аризасида нималарни талаб қила олиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам фарқлаши керак.

Хуллас, бугун таҳлил қилмоқчи бўлганимиз - шикоятлардан бири Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Қипчоқ маҳалласи фуқароси Эргаш Акромовдан келган эди. Унда маҳалладаги кўчаларнинг носозлиги, электр таъминотида узилишлар кўп бўлиши, маҳалла оқсоқоли Турали Еримбетов турли мақсадда йиғилган маблағни ўзлаштиргани таъкидланади. Унда жумладан шундай таъкидлар бор: «... Т.Еримбетов оилаларни яраштириш ўрнига уларни ҳақоратлаб урмоқчи бўлади. Ер остидан ўтган газ қувурини ер устига ўтказиш учун 500 сўмдан 1500 сўмгача 500 хўжаликдан маблағ йиғиб олган. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан тил бириктириб, қилган ёмон ишларини беркитиб ҳисобот бермасдан юрибди. Маълумотномалар, тавсифномалар учун одамига қараб 50 сўмдан 500 сўмгача олади...» Шикоятчи ўз аризасида «халқ норози», «халққа ёқмайди» каби жумлаларни кетма-кет ишлатган бўлса-да, шикоят хати якунида фақат унинг имзоси қўйилганди. Бунгача ҳам унинг шикояти вилоят мутасаддилари иштирокида кўрилган ва бу ўринда холисона фикрлар йўқлиги ариза муаллифига таъкидланганди. Унинг кўп марта талабига биноан биз ҳам туман ва вилоят мутасаддилари иштирокида Қипчоқ маҳалласига бордик. Айни кунда маҳаллаларимизда кўчаларнинг носозлигию электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар бор, буни инкор этиб бўлмайди. Маҳалладаги йиғилишда аҳоли ўз розилиги билан маблағ йиққани ҳамда уни электр таъминотини изга солиш учун сарфлангани маълум бўлди. Ҳатто оқсоқол маблағ йиғишига одамлар розилик берганини билиш учун умумий сўров ўтказган. Шу ўринда шикоятчи сўз олиб: «Мен маҳалла учун кўп яхши ишларни қилишим мумкин, лекин оқсоқол алмашсагина!» деди. «Сиз маҳаллага яхшилик қилмоқчи экансиз, оқсоқолни танлаб, шикоятбозлик қилиб нима қиласиз, ахир яқиндагина ўзимиз сизни оқсоқол билан яраштириб қўйгандик, ака-ука бўламиз деб эдинглар-ку» дегувчилар ҳам топилди. Агар оқсоқолни ишдан бўшатиш учун бир фуқаронинг шахсий адовати етарли эмаслигини ҳисобга олсак, Э.Акромов имзоси қўйилган шикоятлар оқими ҳали-бери тўхтамаса керак.

... Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги К.Тўраев жамоа хўжалигидаги Искандари маҳалласи фуқароси П.Ҳасановнинг шикоят аризаси ҳам бизни таажжубга солди. Аризанинг қисқача мазмуни шундай: «Маҳалламиз оқсоқоли Т.Куйсинов вазифасини суиистеъмол қилади, фалончи сўм маблағни ўзлаштирди, мени ҳақорат қилди, аслида у фалон раҳбарнинг укаси бўлгани учун оқсоқолликка тайинланган, сайлов холис ўтмаган...» П.Ҳасанов моддий ёрдам сўраб оқсоқолга мурожаат этганда у томонидан маҳалла идорасида ҳақоратланган эмиш. Бундан ташқари у касаллиги боис оқсоқоллик қилишга ҳақли эмасмиш. Ана холос! Энг қизиғи, П.Ҳасанов ўз шикоятига оқсоқолнинг йигитлик даврида ҳарбий хизматга чақирилиб, мия шикастланиши сабабли хизматни тўлиқ ўтамай қайтганлигини тасдиқловчи махфий тиббий ҳужжатни ҳам илова қилган. Ваҳоланки, чорак аср илгариги касаллик оқсоқолни ишдан бўшатиш учун асос бўлолмайди. Бу шикоят ҳам шахсий адоват туфайли ёзилганини сезсак-да, шикоятни текшириш учун вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бўлими эътиборига юбордик. Тез орада Пастдарғом туманининг жамғарма бўлинмаси раиси М.Бекмуродов имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб олдик: «...Т.Куйсинов армия сафида хизмат қилаётган даврда турникдан йиқилиб шикаст олган ва тиббий хулосага кўра хизматнинг қолган қисмини ўташдан озод этилган. Армиядан кейин олийгоҳни тугатиб, турли соҳаларда ишлаган, ҳозирда энг ташкилотчи оқсоқолларимиздан. У 1997 йилдан буён маҳалла тизимида, жумладан 1999 йилдан оқсоқол вазифада ишлаб келмоқда, унинг ахаси эса 2000 йилдагина масъул вазифага тайинланган. Шунингдек, сайловлар олдидан белгиланган режа асосида, ўз вақтида ва холисона ўтганини тегишли ҳужжатлар ҳам, маҳалла аҳли ҳам тасдиқлайди. Унинг маҳаллага тегишли маблағни ўзлаштиргани факти тасдиқланмади. Шикоятчи «Оқсоқол мени ҳақоратлади» деган кунда оқсоқол маҳалладаги ободонлаштириш ишларини текширишга келган комиссияга ҳамроҳлик қилган ва аризачи билан тўқнаш келмаган. Умуман, П.Ҳасановнинг шикоятбозлиги қарийб бир йилдан бери давом этиб келмоқда. Вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, прокуратураси ва молия бошқармасига ёзилган шикоятлар натижасида маҳаллада бир неча бор тафтиш ўтказилган, бироқ унинг биронта даъвоси ҳам тасдиқланмади».

Шу ўринда бир савол туғилади: шикоят ёзилса, ундаги «айблов» тасдиғини топмаса, ортиқча овворагарчилик, шикоятга нишон қилинган шахснинг обрўйи тўкилгани учун ким жавоб беради. Табиийки, маҳалла-кўй хизматида юрган, кўпчилик манфаатини кўзлаб ишлаётган кишининг шикоятчи билан можаро талашиб, судлашиб юришга вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ-да!

Маҳалла муаммоси

ЙИҒИНДА ЙИҒИН ЙИҒМОҚҚА ЖОЙ ЙЎҚ

Сабаби, маҳалла фаоллари ҳокимликдан идорага муносиб жой сўрашмоқда. Айжратилган жой эса уларни қаноатлантирмаяпти.

Шайхонтоҳур - пойтахтимизнинг қадимий гўшаларидан. Айни кунда ҳам у ҳар жабҳада илғор туманлардан бири.

Шайхонтоҳур маҳалласи туманнинг ҳам, шаҳарнинг ҳам қоқ марказида жойлашган. Қирқтадан ортиқ кўп қаватли уйлардан ташкил топган маҳаллада ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Албатта, шунча кўп аҳолиси бўлган, устига-устак пойтахт марказида жойлашган бу маҳалланинг ўз идораси, гузари ва яна бошқа - фуқароларга турли хизматлар кўрсатувчи шоҳобчалар бўлиши зарур. Бироқ маҳаллада аҳвол бироз бошқача...

... Ўтган йилнинг сўнгги ойларида таҳририятга ушбу маҳалла фаолларидан шикоят хати келди. Унда маҳалла ташкил бўлгандан буён идорага ёлчимаётгани баён этилганди. Бу хатни Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига юборгандик ва тез орада у ердан қуйидаги мазмунда жавоб хатини ҳам олдик: «Шайхонтоҳур маҳалласи идораси учун олдин кафе бўлган бино ажратилган. Бу бинонинг бир нечта хоналари ва кичик зали бор. Бугунги кунда хонани енгил таъмирлаб бемалол фаолият олиб борса бўлади. Бу бино атрофдаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан чойхона сифатида фойдаланиб келинмоқда. Фуқароларнинг турли маросимлари ўтказилиб туриши ҳам бизга маълум. Тўғри, бино бугунги кун талабига жавоб бериши учун кўп маблағ талаб этилади. Ҳамма гап маҳалла маъмуриятининг турли баҳоналар излаб ажратилган жойга кўчиб ўтмаётганлигидадир. Агар маҳалла маъмурияти ажратилган бинонинг икки хонасини енгил таъмирлаб кўчиб ўтса, бошқа муаммолар бирин-кетин ҳал бўлиши мумкин».

Хўш, нега маҳалла мутасаддилари турли важлар билан ажратилган жойга кўчиб ўтмаяпти?

Маҳаллага бориб, идора учун ажратилган кафе биносини ҳам, маҳалла идораси жойлашган хонани ҳам кўрдик. Идорада аҳвол шундай: 12 квадрат метрли хонада оқсоқол, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, педагог-тарбиячи, посбонлар, турли кенгаш маслаҳатчилари ва фаолларнинг фаолият кўрсатмоқда. Тўғри, улар ҳар доим ҳам ана шу хонанинг ўзида ишламайдилар, лекин ҳар қандай маҳалла йиғини ҳам ҳеч бўлмаса бир ҳафтада бир марта йиғилиш ўтказиши керак-ку. Маҳалла оқсоқоли Очилбек Муҳаммадиевнинг айтишича, маҳалла ходимлари ва фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказиш учун яқин орадаги 115-мактаб, ёки «Полёт» кафеси маъмуриятидан бирор хонани бўшатиб беришларини илтимос қилишар экан.

Бир неча йил давомида эса маҳалла йиғинлари фаоллардан бирининг хонадонида ҳам ўтказиб келинган.

Маҳалла ҳудудида турли маиший-маданий идоралар жойлашган. Бу ерда бир нечта кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларида кутубхона, туман маданият ишлари бўлими, «Тез ёрдам» шохобчаси, Ўсмирлар ўқув маркази, милиция таянч пункти, ХДПнинг туман бўлинмаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳатто сартарошхона учун ҳам уч хонали хона ажратилган. Бу идоралар мана шу маҳалла аҳлига хизмат кўрсатмоқда, уларнинг фаолиятидан оқсоқол, фаоллар, маҳалла аҳли хурсанд. Юқоридаги идоралар турли вазирликлар тасарруфига кирса ҳам, уларга бино ажратиш масаласи албатта ҳокимлик орқали ҳал бўлган, албатта. Демак, худди шундай тарзда маҳалла идораси учун ҳам бирор хона ажратишнинг имкони йўқ эмас.

12-уй ёнидаги кафенинг 1994 йилда ҳокимият томонидан маҳалла идораси деб белгланиши масаласига келсак, ушбу қароргача бу кафени кўп йиллар давомида унинг атрофидаги уйларда яшовчи аҳоли бирор маросим ўтказиш учун ҳашар йўли билан таъмирлашган. Айни кунда бу ерда 9-, 10-, 11-, 12-кўп қаватли уйлар аҳолисига тегишли тўй-маъракага учун ишлатиладиган жиҳоз ва идиш-товоқлар сақланади, бир хонада эса новвойхона ишлаб турибди. «Кўлингизда ҳокимият қарори бўла туриб, нега идорани шу ерга кўчириб келмаяпсиз?» деган саволга оқсоқол шундай жавоб берди:

- Бу тўртга уйдаги аҳоли ҳам шу маҳалланинг одамлари. Мана шу тўртга кўп қаватли уй аҳолиси ва уйбошиларининг кафе биносини ўзлаштиришгани аслида яхши. Агар бу бино маҳаллага ўтказилса аввало уларни бу имкониятдан маҳрум қиламиз. Иккинчидан, маҳалланинг 10 мингдан ортиқ аҳолиси шу тўйхонага кўз тикади ва табиийки, бунинг имкони бўлмайди. Бу ердаги икки хонани идора ҳолига келтириш учун эса анча-мунча маблағ талаб этилади. Ўзим шу маҳалла оқсоқоли сифатида идора учун мос бошқа бинолар мавжудлигини яхши биламан. Ўз таклифларимни кўп марта билдирганман. Маҳаллага идора ажратилиши масаласи қарийб етти-саккиз йилдан бери ҳал бўлмаётган катта муаммомиздир.

Хуллас, маҳалла йиғини фаол ишлаши учун жой керак. Бу унга бошқа бир жой ажратилиши билан ҳал этиладими ёки маҳалла ажратилган кафени ўзлаштириши орқали амалга ошадими? Нима бўлганда ҳам бу ўринда муаммо муаммолигича қолаверишги мақсадга мувофиқ эмас.

Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

ОБОД БЎЛГАЙ МАҲАЛЛАМ

Кўркам бўлса,
яшаган жойинг
Хушрўй гуллар
очса чиройинг,
Кўрк бахш этса
тунлари ойинг
Яшнаб, обод
бўлгай маҳаллам.

Ҳамкор бўлса
қўшнилар доим,
Сўзлашсалар
ширин, мулойим
Қўллаб турса,
тангрим, худойим
Яшнаб обод бўлгай
маҳаллам.

Шукроналар қилса
борига,
Яраса бир-бирин
корига
Айланишса эл
ҳамкорига,
Яшнаб обод бўлгай
маҳаллам.

Кўчат эксак,
яратсак боғлар
Юраклардан
ювилса доғлар,
Хуш учрашса
дўстлар, ўртоқлар
Яшнаб обод бўлгай
маҳаллам.

Ўрнин топса кексаю, ёши
Оқсоқоллар бўлса
эл боши,
Орзу қилганидай
Юртбоши
Яшнаб обод бўлгай
маҳаллам.

Турди ҲАЙДАР



Мурожаатнинг барча кўринишлари, у хоҳ ижобий маънодаги бўлсин, хоҳ шикоят тартибида бўлсин таҳририят учун масъулият ва мамнуният ҳиссини уйғотади. Нега масъулият? Сабаби, ҳар бир мурожаат учун тегишли чора излаш мажбурияти мавжудлиги. Мамнуният эса газетанинг ўқувчилари газетага беоқибат эмаслиги. У газетани нафақат ўқияпти, балки уни ўзига ҳамроҳ, ҳамкор, кўмакчи ҳисобляпти.

Тошкент шаҳри

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

КАСБНИНГ ЯХШИ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

Гузаримиздаги гулзор ёнида суҳбатлашиб тургандик, рўбарўдан келаётган зиёлинамо киши биз билан самимий саломлашиб, ўтиб кетди.

- Бу киши ўқитувчи бўлса керак? - деди суҳбатдошларимиздан бири.

- Маҳалламиз сартароши, - деди нарироқда гапимизни тинглаб турган қария. Суҳбатдошларимизнинг бири қўшни Мевазор маҳалласида яшовчи дўстим Болтабой, яна бири унинг Сирдарёдан келган меҳмони эди. Уларга ҳалиги кишининг муомаласи ёқиб қолибди: «Сочимизни бир текислатиб олайлик», - дейишди.

Орадан кўп ўтмай, икковининг кайфияти чоғ бўлиб қайтишди. Уларнинг айтишича, эшикдан киришлари билан икки йигитча сартарошнинг ишораси билан меҳмонларга жой бериби ди.

- Агар сизлар рози бўлсангиз, мана шу меҳмонларга навбатсиз хизмат кўрсатсак, - дебди сартарош ўтирганларга қараб. Улар рози бўлишибди. Бу усталарнинг эпчиллиги, озодалиги, соч олиш маҳорати, айниқса, ҳушмуомаласи меҳмонларни мамнун этибди.

Дарвоқе, Карим Орипов армия хизматидан келгач, Чилонзор туманидаги Дўмбиробод маҳалласидаги сартарошга шогирд бўлиб иш бошлади. У Мелихўжа ака, Абдуманноп ака деган устозлардан таълим олди. Энди унинг ўзи устоз, ўғли Ниёз шогирд. Ота ва бола ёнма-ён ишлашади. Иккаласининг ҳам ўз мижозлари бор.

Бир куни Карим уста билан троллейбусда ҳамроҳ бўлиб қолдим. Унинг муомаласи, топиб гапириши эътиборимни тортди.

- Сиз билан суҳбатлашса одам маза қилади-да, Каримжон, - десам у менга жавобан: «Лекин ишдалигимда гапирмайман. Чунки иш пайтида нозик ва ўткир асбоблар менинг измимда бўлади», - деди.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

«050» - Қутқарув хизмати хабарлари

ЭШИКНИ ҚУЛФЛАГАН ИТ

Юнусобод тумани 4-даҳа 19-уйда яшовчи фуқаро Лола Пўлатова «Қутқарув хизмати»га қўнғироқ қилиб уй эшиги ёпилиб қолганлиги ҳақида хабар берди.

Манзилга етиб келган қутқарувчилар эшик қандай ёпилиб қолганлигини аниқлашди. Маълум бўлишича, уй соҳибаси қўшнисиникига чиққанда, унинг ортидан ити уй эшигини ёпиб олади. Қутқарувчилар эшикни очишга уринишлари бекор кетди. Шундан сўнг, томдан арқонда тушиб, дераза орқали кириш режасини тузишди. Бу ишни Дилшод Бозорбоев ҳамда Зиёвуддин Исмоиловлар қойилмақом қилиб амалга оширдилар.

Дераза орқали кириб келган номаълум кишиларни «уй соҳибаси» қаршиликсиз яхши кутиб олди ва ҳатто ўзи ҳам эшикни очишда кўмаклашгандай бўлди.

Мана, азиз ҳамшаҳарлар, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздай ҳар қандай ишни, қолаверса жиноятчиларни ҳам эътиборсиз қолдирманг. Чунки турли кўнгилсизликлар биринчи навбатда эътиборсизлик оқибатида вужудга келади. Буни асло унутманг!!!

НАЖОТ КУТГАН АЁЛ

Мария Путилина 80 ёшни қаршилабдики, ҳали ҳеч кимнинг ҳатто фарзандларининг ҳам ёрдамига муҳтож бўлмасдан яшади. 5 январь куни эса афсуски, бунинг акси бўлди, грипп унинг ҳаловатини бузди.

Дардига малҳам бўладиган бирорта қўшниси ҳам чиқа қолмасди. Кутишдан зериккан кампир уларнинг олдига чиқишга ҳаракат қилди. Ўрнидан туриши билан ўз мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушди. Эртаси кун пешинга қадар шундай ҳолатда ётди. Унинг ёрдам сўраб чақиришларига ҳам ҳеч ким эътибор бермаётгандай эди. Қўшниси Анна Ивановна ногаҳон Мария Путилинанинг овозини эшитиб қолди. Дарҳол у «050» - «Қутқарув хизмати»га қўнғироқ қилиб, Мирзо Улуғбек тумани Яланғоч даҳаси 86-уйдаги қарияга зарур ёрдам кераклигини айтади. Манзилга етиб келган қутқарувчилар зудлик билан ишга киришишди, яъни Зафар Ормонов томдан арқон ёрдамида дераза орқали уйга кириб эшикни очди. Қутқарув гуруҳининг шифокори милиция катта лейтенанти Раҳмутдин Нуралиев эса беморга биринчи тез тиббий ёрдамини кўрсатди. Шундай қилиб, М.Путилина ҳаётини асраб қолганлиги учун «Қутқарув хизмати» ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Муҳиддин ИСОҚОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати ходими.

Эълон

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 32- мактаб томонидан ЭГАМБЕРДИЕВА Сурайё Салимовна номига 1993 йилда берилган АУ-287239 -сонли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

бекор қилинади

Турли усулдаги буёқ ишларини, шу жумладан перфоратор, гипсокартон ишларини арзон, тез ва сифатли бажарамиз.
МУРОЖАТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
79-93-15.

Ислом сабоғи

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

СУННАТ НИМА? БИДЪАТ-ЧИ?

* Ибодатда риёга йўл йўқ
* «...Башоратчилар ёлғончидирлар»
* Жинлар ва фолбинлар
* Учар юлдузлар шайтон-жинларга отилган тош

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Бидъат ва хурофот жамиятда илдиз отиши, ҳам диний, ҳам дунёвий урф-одатларга қоришиб кетиши ҳамма даврда ҳам кескин танқид остига олинган. Баъзилар, айниқса, суннат билан бидъатнинг фарқини ажрата олмайдиган кишилар хурофий ишларни Ислом дини одатларидан деб кўпгина хатоликларга йўл қўядилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) хурофий мункар ишларни қоралаб, ўзларининг ҳадиси шарифларида шундай деганлар:

«Бидъат ва хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунича, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди».

«Азаймхонлик, тумор тақмоқлик ва сеҳру жоду билан шуғулланмоқлик Тангрига ширк келтириш билан баробардир».

«Бидъат-хурофотга берилганлар халқ ва халойиқнинг ёмонларидир».

Ўзини кўрсатиш учун хўжакўрсинга қилинадиган амаллар риё ҳисобланади. Аллоҳ таоло ҳар бир ибодатнинг холис ният билан қилинганини хуш кўради.

Ғайбни билишга интилиш, мунажжимлик ва коҳинлар (башоратчилар) иши ҳам хурофий ишларга киради. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида шундай деганлар:

«Барча мунажжимлар ёлғончидирлар».

Ғайб илмини Яратгандан бошқа зот билмайди.

Аллоҳ таоло фақат пайғамбарларидан хоҳлаганига келажак билан боғлиқ баъзи бир ҳодисаларни билдирган.

Пайғамбарлар мўъжизавий равишда истиқболдан хабар берганлар ва ҳамиша ҳақ чиққанлар. Чунки, манбалари ваҳий, яъни илоҳий илмдир.

Агар келажакдаги ишлар инсонларга маълум бўлса эди, имтиҳон бўлмасди. Чунки ғайбни билган одам фақат ўзига фойдали ишларни қилиб, зарарли нарсалардан сақланган бўлар эди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Айтинг: «Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзим учун (бирор) фойда ва зарар (келтириш)га эга эмасман. Агар ғайб (илми)ни билсам эди, хайрли ишларни кўп қилган бўлур эдим ва менга ёмонлик (ҳам) етмаган бўлур эди. Мен фақат имон келтирадиган қавм учун огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчидирман». («Аъроф» сураси, 188-оят).

Лекин инсонлар орасида одамларнинг келажагини, тақдир ва қисматини айтиб беришга ваъда қилувчи сохта «башоратчилар» ҳам йўқ эмас. Улар коҳин - фолбиндирлар. Фолбинликнинг зарарлари, унга ишонувчиларнинг ёмон оқибатлари ҳақидаги далилларни келтиришдан олдин, унинг хусусияти ва тарихига назар ташлаб ўтсак.

Маълумки, замин инсонларнинг макони, осмон эса малоикаларнинг ошёнидир. Аллоҳ таоло Ўзининг Ердаги бандалари хусусидаги барча ҳукм-фармонларини адо қилишни ана шу фаришталар зиммасига юклагандир. Оламда учинчи бир тоифа - жинлар тоифаси ҳам борки, инсонлар узоқ йиллардан бери улар билан турли хил алоқада бўлиб келганлар. Ҳатто Сулаймон (а.в.) ҳузурида жинлар энг оғир ишлар билан машғул бўлиб хизмат қилганлар. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади:

«(Сулаймонга)... жинлардан ҳам Парвардигорининг изни билан унинг қўл остида ишлайдиган (жин)ларни (бўйсундириб қўйгандирмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан четласа, Биз унга ўт азобидан торттириб қўюрмиз». («Сабаъ» сураси, 12-оят).

Бундан ташқари жинларнинг айримлари осмондаги фаришталарнинг ўзаро гап-сўзларини ўғринча эшитиб олишиб, Ердаги фолбинларга етказиб туришган. Буни Аллоҳ таоло жинларнинг тилидан шундай баён қилади.

«Биз (илгари) ундан (осмондан баъзи) жойларга (фаришталар сўзларини) эшитиб олиш учун ўтириб олар эдик...» (Жин» сураси, 9-оят).

Жинлар ва фолбинларнинг бундай алоқалари Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръони карим нозил бўлиш замонига қадар давом этди. Ислом дини келгунгача кўплаб коҳинлар ўзларининг берган ғайбий хабарлари билан жуда машҳур бўлганлар. Масалан: «Расулуллоҳ (с.а.в.) туғилган кечада Эрон подшоси Хусравнинг саройи ўртасидан дарз кетиб ёрилди ва ўн тўртта минораси қулаб тушди. Худди шу кечада Хусравнинг вазири Мубадон ғалати туш кўрди. Саройнинг бузилиши ва вазирнинг туши қандай маънога эга эканини билиш мақсадида подшо Шом тарафда яшайдиган машҳур Сотиҳ исмли коҳинга чопар юборди. Сотиҳ эса, шу кечада туғилган бир чақалоқ келажакда пайғамбар бўлиши ва Эрон ҳам унинг динига кириши ҳамда ўша замонгача яна ўн тўрт подшо форс мамлакатини идора этиши ҳақида хабар берди. Замон ўтиши билан унинг сўзлари тўғри эканлиги маълум бўлди.

Жинларнинг тинчгина ва қаршиликсиз осмонга чиқиб хабар келтиришларининг вақти Қуръони карим нозил бўла бошлаши билан ниҳоясига етди. Уларнинг ишларига якун ясаган воқеа ҳақида Қуръонда шундай дейилади:

«Илло (у жинлардан) бирортаси (малоикаларнинг сўзини) яширинча эшитиб олса, бас, уни очиқ (учар) юлдуз қувиб етар (ҳалок этар)». («Ҳижр» сураси, 18-оят).

Ваҳийнинг мусаффолигини таъминлаш ва одамлар орасида шубҳага ўрин қолдирмаслик ҳамда Қуръон оятлари билан фолбинларнинг сўзлари аралашиб кетмаслиги учун ҳам Аллоҳ таоло жинларнинг осмонга чиқишларини манъ қилди. Осмонларга қўриқчиларни қўйди. Осмондаги учар юлдузлар ана ўшандай шайтон-жинларга отилган ўқлардир.

Баъзи кишилар назарида жинлар ғайбий ишларни биладилар деб ишонадилар. Аслида улар ҳам ғайбдан бехабардирлар. Бунга қуйидаги оятлар ҳам далолат қилади.

«Бас, қачонки, Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилганимизда, унинг ўлимига фақат асосини еяётган кемирувчи қуртгина далолат қилди. Бас, қачонки, у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билувчи бўлганларида бу хор қилувчи азобда (меҳнатда) қолмаган бўлур эдилар». («Сабаъ» сураси, 14-оят).

Маълумки, Сулаймон (а.с.) асога суянган ҳолда жон таслим қилган. Унга хизмат қилувчи жинлар эса, унинг вафот этганини билмасдан, оғир ишларни бажаришда давом этдилар. Сулаймон (а.с.) суяниб турган асони бир йил давомида ёғоч қурти еб, ичини кемирди. Натижада Сулаймон (а.с.) ерга қулаб тушадилар. «Сулаймон ўлди, девлар қутулди» деган нақл ҳам шундан қолган. Агар инсонлар ўйлаганидек, жинлар ғайбий сирлардан ҳамиша огоҳ бўлсалар эди, ўша ҳолатда Сулаймон (а.с.)нинг вафот этганини билиб, мажбурий қилаётган оғир ишларини тўхтатган бўлар эдилар.

Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурига келиб, қўлига бир нарсани беркитиб «бу нима? деб сўради. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) очиқдан-очиқ топқир эмасликларини айтиб, фолбинлик ва фолбинлар дўзахийлар, дедилар.

Ушбу сўзлар мунажжим ва уларнинг сўзларига ишонувчи кишиларга ҳам тегишлидир. Чунки юлдузлар фақатгина уч нарса учун: осмонга зийнат, жин ва шайтонларга отиш учун тош ва инсонлар йўл топиб олишлари учун аломат - белги қилиб яратилгани ҳадисларда баён этилган. Юлдузлар ҳеч қачон инсонларнинг тақдири ва келажакдаги ҳодисаларга далолат қилмайди.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ўзининг ҳидоят йўлидан адаштирмасин. Имонда ва эътиқодда мустаҳкам қилиб, илмимизни янада зиёда этсин.

ҚАДИМИЙ ҚУЁШ ТАҚВИМИНИНГ ТАРИХИ

Яқинда нашрларни варақлаб ўтириб, қизиқ бир маълумотга дуч келдим. 1955 йилда академик Яҳё Ғуломов бошчилигидаги археология гуруҳи Жиззах шаҳри яқинидаги Қулфсар деган қадимги қабристонда дольменларни топган экан.

Дольмен дегани ажнабий сўз бўлиб стол ва тош деган маъноларни англатар экан. Дольменлар қадимда марҳумларни дафн этиш учун қурилган. Масаланинг аҳамиятли томони шундаки, бу қабрлар сўнгги неолит ва илк бронза асрига оид дафн иншоотларидир. Демак, ўлкамиз жуда қадимий, одамзод цивилизациясининг илк даврларининг гувоҳи экан.

Самарқандниг тарихий музейларида 5 минг илгари чалинган най бугун ёдгорлик бўлиб тургани ҳам буни исботлайди. Кейинги йилларда бир нечта илмий йиғилишларда, фахр билан эътироф этилаётган қўёш тақвимининг биринчи намунаси тарихий номи Дизах деб аталган, ҳозирги Жиззах вилояти ҳудудида яратилганидир. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» вилоят бўлимининг раҳбари, профессор Ўрол Носиров билан шу тўғрида суҳбатлашдик. У киши бу ерларга буюк мунажжим Мирзо Улуғбек тез-тез келиб тургани, унинг маржонини ғоз ютгани учун Маржонбулоқ деган жойлар борлиги ҳақидаги ривоятлар, Пишоғордаги ер ости йўллари, Такатошдаги ибтидоий сувратчилар чизган расмлар, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур, Абдуллахонлар билан боғлиқ ерлар, сардобалар, кориз қудуқлар каби ноёб топилмаларни ўргангани ҳақида сўзлади. Айниқса, Дизахнинг кун ботиш томонида олимларнинг кафолатига кўра ернинг юқори нуқтаси, вақт ўзгарадиган жой - Жиззах ва Самарқанд вилоятлари чегарасига яқин ҳудудларда уч минг йиллик тарихга эга бўлган, Кушон подшолигининг Сак жамоаси ижод этган қўёшнинг табиий тақвими харобалари борлиги кишини ҳайратлантиради.

Бу ҳақда ўзбек археологлари, жаҳон тарих илмининг билимдонлари мана чорак асрдирки турли фикрлар билдиришмоқдалар. Бизнинг ҳудудимизда қадимдан фалакиёт илми ривожланганини исботлайдиган қимматли бу манба - Академик Медхат Пўлатов томонидан тартиб берилган, немис олими Рempель томонидан исботланган. 30 гектар майдонни эгаллайдиган қўёш тақвими ёрдамида бир пайтлар бизнинг аждодларимиз йил фаслларининг алмашинуви, ойларнинг ҳолати, об-ҳавонинг ўзгаришларини кузатганлар ва илмий асарлар ёзганлар. Қадимшунослар бу жойларнинг харитасини ҳам яратишган. Бу тарихий иншоотни қайтадан тиклашнинг имкони борлигини исботлаганлар ҳам. Агар бу тарихий обида халқаро туризм манзилгоҳига айлантирилса, халқимиз тарихининг яна бир ёркин қирраси очиларди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Билмасангиз, - билиб олинг!

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) истеъмолчига сифатсиз маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) натижасида келтирилган зарар учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

Лайло сурат чизишга иқтидорли эканлигини бир ярим ёшлик гўдаклигидаёқ намоён этганди. Шундан бери у республика Болалар ижодий марказида тасвирий санъат билан шуғулланади. Ҳозирда Лайло Бойкенова Миробод туманидаги математика фани чуқур ўргатиладиган 110-лицей мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Лайло ушбу мактабдаги таҳсилидан ташқари 22-мусиқа мактабида ҳам етти йил виолончель ижроси бўйича таҳсил олди. Бўш вақтида теннис ўйнайди, рақсга тушишни севади. Лекин бу кўп қиррали иқтидор соҳибасининг тасвирий санъатга меҳри бўлакча. Шунинг учун ҳам унинг бу йўналишдаги ютуқлари ҳам салмоқли: унинг ижод маҳсули Ҳиндистон, Чехословакия, Россия каби давлатлардаги нуфузли кўргазмаларда намойиш этилган. Лайло 2000 йилда Америкада, 2001 йилда Италияда ўтказилган Болалар санъати халқаро фестивалларида қатнашиб, муваффақият қозониб қайтди. Бойкеновлар оиласи истиқомат қиладиган Ўзбекистон маҳалласи аҳли шундай иқтидорли маҳалладошлари билан жуда фахрланадилар.

Ўқлим, муҳаббат ҳақида бир шеър ёзувдим газитингга босиб чиқарсанг бўлармиди.

«Tafakkur» гулшанидан



«Tafakkur» журналининг 2003 йилдаги илк сони ўқувчилар қўлига етди. Унинг саҳифаларидан ҳар доимгидек ўқувчини чуқурроқ фикрлашга ундовчи фалсафий мушоҳадалар, қизиқарли мақолалар ўрин олган. Қуйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола этилаётир.

ФИКРЛАБ ЯШАШ САОДАТИ

** Кўпчиликнинг ғами билан яшайдиган инсон узоқни кўради ва келажакка замондош бўлади.*

**** Давр нуқтаи назаридан тўғри фикр билдириш учун иқтисодий жиҳатдан кўп қийналган ижтимоий гуруҳнинг манфаатини ўйлаш керак.***

** Агар деҳқончиликка нисбатан тижорат - савдо-сотиқ кўпроқ фойда келтира бошласа, билинги, қишлоқ хўжалиги соҳасида жиддий муаммолар бор.*

**** Ривожланиш - ҳақиқатнинг ноҳақлик устидан ғолиб келаётганини кўрсатадиган мезондир. Ноҳақлик устун кела бошлаган вақтда ижтимоий турғунлик кузатилади, сўнг таназзул бошланади.***

** Жамиятни уч тоифага ажратиш мумкин. Яратувчан кишилар биринчи тоифага мансуб бўлади, улар шахсий эҳтиёжларидан ортиқроқ миқдорда ноз-неъмат (моддий ва маънавий) яратади. Муҳофазага муҳтож кишилар эса иккинчи тоифани ташкил этади, улар ҳар хил сабабларга кўра ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд бўлади. Тенгинҳўрлар - учинчи тоифа бўлиб, улар жисмонан соғдай кўринса-да, руҳан бедаво дардга чалинган беморлардир. Жамиятни «учинчи тоифа»дан тозалаш керак.*

**** Қишлоғимиздаги «тадбиркор» бир йигит қирқ ёшга тўлди. Албатта, у «юбилей» қилди. Эртаси куни уюштирилган «супрақоқди» зиёфатида «Ташкилга 750 минг сўм сарфладим! Майли, ҳеч нарса эмас, бор йўғи 500 доллар кетди, холос», деб ёру жўраларига ҳисобот берди.***

Мактабимиздаги юзта ўқувчига дарслик совға қилганда эди, юзта ўқувчи «юбиляр»ни бир йил давомида олқишлаб юрарди. Эсиз, «тадбиркор» юз йиллик олқишдан бенасиб бўлди.

** Ўзининг имкониятларини аниқ билган, ҳис қилган киши хотиржам яшайди.*

**** Нуфузли идорада пўрим кийинган бир йигит «Мен фалончи бойнинг ўғлиман!» деб кўкрак керди. Четроқда тасбеҳ ўгириб ўтирган мўйсафид аста бошини кўтариб: «Ўша фалончи бой кимнинг ўғли экан?» деб қолди. «Фалончи бой фалон оққошнинг ўғли», деб жавоб берди бойвачча. «Ҳа-а, бобонгни танирдим. Унинг оппоқ қошидан бўлак ҳеч қандай бойлиги йўқ эди», деди мўйсафид ва яна кўзларини юмиб тасбеҳ ўгиришда давом этди.***

** Ҳаётимиздаги нуқсонлар - фикрлашимиздаги нуқсонларнинг натижаси.*

Мақсадли инсон фикрламасдан яшаёлмайди.

**** Раҳбарга ёқиш илинжида эмас, кўпчиликнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда фикрланг. Шунда фикрингиз раҳбар ишдан бўшаган куниёқ эскириб қолмайди.***

** Тарбиядаги нуқсонлар фарзанд улғайганидан кейин маълум бўлади.*

Баҳодир РЎЗМЕТОВ

ЯНТИСИДАН БОР

Икки ёш врач маслаҳатлашмоқда:

—Нима қилдик, беморни даволаймизми ё юра турсинми?

Қиз ва йигит боғда сайр қилиб юриб, емакхона олдидан ўтишди:

- Тамаддихонадан бирам ширин ҳидлар келяптики...

- Сизга ёқдими жоним. Бўлмаса юринг, яна бир бор айланиб ўтамиз.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7850 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-125 Топширилди- 22.00